ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

# «ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ»

*мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси*

# МАТЕРИАЛЛАРИ

## V -ҚИСМ

*(2018 йил 17-19 февраль кунлари)*




САМАРҚАНД – 2018

| | | |
|---|---|---|
| Аллаёров Р. | Инновацион кластерларни ривожлантириш асосида туризм индустриясининг ракобатбардошлигини ошириш | 106 |
| Раимова М.Дж., Хазраткулов Д.Р. | Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари | 108 |
| Хусенова М.Г. | Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш истиқболлари | 111 |
| Суяров А.Ш., Ерназаров Н. Э., Яҳяев Э.Я. | Туризм соҳасида солиқ тизими бўйича хорижий тажрибалар. Бунда бегиланган имтиёзлар ва истиқболлар | 114 |
| **III ШЎЪБА. "ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МАСАЛАЛАРИ"** | | |
| Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А. | Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил фанининг методологик асосларини ўрганишга назарий ёндашув | 118 |
| Хамзаева Д.С., Рахмонов А. | Хизмат кўрсатиш маркетингининг хусусиятлари | 121 |
| Яхёхонов Н., Холмаматов Д.Ҳ. | Саноатни ривожлантиришда маркетинг технологияларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари | 125 |
| Пардаев М.Қ., Тагирова Н.Б. | Маркетинг тадқиқотларида муаммоларни аниқлашда социологик сўров ўтказиш ва унинг муҳимлиги | 128 |
| Ташназаров С.А. | Умумий овқатланиш корхоналарида сифатни бошқариш вазифалари | 130 |
| Xushiyev B., Poshoxojayeva D.D. | Paxta eksporti bilan shug'ullanuvchi korxonalar faoliyatining xususiyatlari va ular hisobini yaxshilash yo'llari | 134 |
| Жуманов В.И., Уралов Э., Холикулов Ф. | Особенности крауд-маркетинг | 137 |
| Мавлонов О., Жумабоев Т., Анваров Б. Сайдуллаев Э. | Ожидаемые технологии маркетинга в 2018 году | 140 |
| Бойжигитов С. | Саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда саноат маркетингининг моҳияти | 144 |
| **IV ШЎЪБА. "ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ"** | | |
| Зайналов Ж.Р., Агзамов А. | Инновационные аспекты развития роли и значения системы налогообложения в условиях динамично изменяющейся внутренней и внешней ситуации | 148 |





| | | |
|---|---|---|
| Самандаров С.Д., Мусаев Р.М. | Тижорат банкларининг хизмат сифатини оширишда ходимлар сиёсатининг роли ва аҳамияти | 152 |
| Ниёзов З.Д., Каримова А.М. | Банк соҳасида мутахассислар тайёрлаш салоҳиятини ошириш | 155 |
| Эрназаров Н.Э., Муротов Р.Х. | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда молиявий хизматлардан фойдаланиш | 158 |
| Каландаров У.Х., Бабаев Н.Д., Худойбердиев С.И. | Анализ влияния санкции против России на состояние мирового биржевого рынка | 162 |
| Аллаёров Ҳ., Холмаматов Д.Ҳ. | Тижорат банклари хизматларини ривожлантиришда маркетинг фаолиятининг ўрни | 165 |
| Тоғаев С.С., Маликова Д.М., Бекмуродов А.А., Эшқобилов Р. | Тижорат банкларининг барқарорлик даражасига таъсир этувчи омиллар ва уларни барқарор этиш масалалари | 170 |
| Эрназаров Н.Э., Рахматов Ш.Й. | Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари | 173 |
| **V ШЎЪБА. "ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИДА ЁРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ"** | | |
| Уразов К.Б., Неъматов О.И. | Нодавлат нотижорат ташкилотларида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар | 178 |
| Мусаев Ҳ.Н., Нематова Д.А. | Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар аудитини такомиллаштириш йўллари | 184 |
| Илхамов Ш.И. | Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш босқичлари | 188 |
| Уразов К.Б., Пашаходжаева Д.Д., Сайид-Ахмедов Т.Н. | Фойда солиғи аудитини такомиллаштириш йўллари | 192 |
| Вафохожаева Д.М., Муродалиева Х. | Роль и значение аудиторской деятельности в торговых предприятиях | 199 |
| Ниёзов З.Д., Тўхтаева М., Мўминов О. | Монетар сиёсат маълумотлари таҳлили | 201 |
| Илхамов Ш.И., Илхомова А.Ш. | Назорат муҳитига таъсир кўрсатувчи омиллар | 205 |
| Мусаев Ҳ.Н., Умарова Ш.К. | Тола маҳсулотларини саклаш ва жўнатиш корхоналарида даромадлар аудитини такомиллаштириш масалалари | 207 |

**С.С. Тоғаев** – СамИСИ ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи,
**Д.М. Маликова** – СамИСИ ўқитувчиси,
**А.А. Бекмуродов** – СамИСИ ўқитувчиси ,
**Р. Эшқобилов** – СамИСИ, БИ-И-214 гурух талабаси

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИК ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРҚАРОР ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлик даражаси уларнинг нуфузини кўрсатиб, банклар учун энг муҳими – капитал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банклар молиявий барқарорлик даражасини оқилона даражада ошириб боришга, ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга ҳаракат қиладилар. Акс ҳолда, мижозларнинг банкларга бўлган ишончи йўқолиб, улар билан ҳар қандай алоқани узишга ҳаракат қилади. Бундай банклардан депозит эгалари ўзларининг маблағларини олиб чиқиб кета бошлайди, банкларнинг банклараро бозордан маблағ жалб қилиши ва ўз акцияларини жойлаштириш жараёни қийинлашади. Шу боис, бутун дунёда банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини оширишдан аввал банк барқарорлик даражасини, унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш лозим.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

**Ретроспектив таҳлил.** Таҳлилнинг ушбу йўналиши Марказий банк томонидан банклар учун ўрнатилган иқтисодий нормативларга тижорат банклари томонидан риоя қилинишини назорат қилишга асосланган молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари ва белгиларини таҳлил қилишни ўз ичига олади. (банкнинг 27 та норматив бўйича ҳар ой Марказий банкга тақдим этган ҳисоботидан олиниб, таҳлил қилинади)

**Перспектив таҳлил.** Молиявий барқарорликни перспектив таҳлил қилишнинг мақсади тижорат банки фаолияти самарадорлигини прогноз(башорат) қилиш ҳисобланади. (банкнинг йиллик ҳисоботларидан олиниб, таҳлил қилинади)

Банкнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омилларни қуйидаги ички ва ташқи омилларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

1-расм. Банк барқарорлигига таъсир қилувчи ички омиллар






Банк барқарорлигига таъсир этувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради:

2-расм. Банк барқарорлигига таъсир қилувчи ташқи омиллар




Юқоридаги ички ва ташқи омилларни инобатга олинган ҳолда, мамлакатимизда банклар молиявий барқарорлигини ошириш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, биринчи Президентимизнинг мамлакат банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш масаласи бўйича қарорининг қабул қилиниши билан юртимиз банк тизимини ривожлантиришнинг келажакдаги режалари белгилаб берилди. Мазкур Қарор билан Марказий банкка банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель-III стандартларини 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юклатилди.[1]

Ликвидликни таъминлаш бўйича Марказий банк томонидан янги низом[2] ишлаб чиқилди. Унга кўра, кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

[1] http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2641572. Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2344-сон Қарори

[2] Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом

3-расм. Жорий ликвидлик кўрсаткичи




4-расм. Қисқа ва узоқ муддатли ликвидлик кўрсаткичлари




Низомга кўра, банклар ўзларининг молиявий барқарорлигини ҳар чоракда камида бир марта стресс тестларидан ўтказишлари лозимлиги, стресс тестларининг якуний натижаси бўйича таваккалчиликни бошқариш стратегиясини тўғрилаб боришлари кераклиги ва стресс тестларининг натижаларидан келиб чиқиб кутилмаган стресс ҳолатларида қўшимча маблағлар билан таъминлаш режаларини ишлаб чиқишлари зарурлиги белгиланган.

2017 йилдан бошлаб Марказий банк тижорат банкларининг барқарорлик даражасини ошириш масаласига алоҳида эътибор бермоқда.

Хусусан, Марказий банк томонидан тижорат банкларига 2017 йилнинг июль ойида 689 млрд. сўм, август ойида 466 млрд. сўм ва сентябрь ойида 262 млрд. сўм миқдорида жами 1,4 трлн. сўмдан зиёд кредитлар берилди. [1] Мазкур операцияларнинг жорий этилиши банк тизимида вужудга келган қисқа мудатли ликвидликка бўлган талабни қондириш ва тўлов тизимининг барқарорлигини сақлашга хизмат қилди.

Шунингдек, тижорат банкларининг барқарорлигини оширишда мажбурий захиралар инструментидан иқтисодиёт ва пул-кредит соҳасидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда мослашувчанлик билан фойдаланиб борилди. Тижорат банклари томонидан Марказий банкда шакллантирилган мажбурий захиралар бўйича хисобварағларидаги маблағлар қолдиғи 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига йил бошига нисбатан 32 фоизга (3,9 трлн. сўмдан 5,2 трлн. сўмга) кўпайди.

[1] http://www.cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/doklad-o-monetarnoy-politike/. Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. 1.4.2. пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланишнинг таҳлили.



1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари***

| Асосий кўрсаткичлар | 2015 й | 2016 й I ч | 2016 й II ч | 2016 й III | 2016 й | 2017 й I ч | 2017 й II ч | 2017 й III |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати(фоизда) | 14,72 % | 15,97 % | 15,89% | 15,27 % | 14,73 % | 14,89 % | 13,80% | 15,51% |
| Жами регулятив капитал | 6 921,1 | 7 805,4 | 7 888,9 | 8 086,1 | 8 460,1 | 9 525,0 | 10 125,8 | 15 370,1 |
| I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати(фоизда) | 12,55 % | 14,26 % | 13,86% | 13,10 % | 12,50 % | 13,21 % | 11,97% | 13,30% |
| I даражали капитал | 5 896,5 | 6 969,3 | 6 883,8 | 6 939,1 | 7 179,4 | 8 451,5 | 8 784,5 | 13 183,4 |
| Жами капитал | 7 345,3 | 7 933,1 | 8 144,3 | 8 411,6 | 8 981,3 | 9 787,9 | 10 481,1 | 16 116,2 |

Ушбу жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, йил сайин тижорат банклари молиявий барқарорлигини ошириб мақсади амалга оширилмоқда ва бунга барча шароитлар яратилиб берилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий банк тизимининг молиявий барқарорлик даражасига таъсир этувчи омиллар ва уларни барқарор этиш масаласи мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга хизмат қиладиган долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

**Н.Э. Эрназаров –** СамИСИ ассистенти,
**Ш.Й.Рахматов –** СамИСИ, МК-316 гуруҳ талабаси

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатмиз иқтисодиётида ижтимоий соҳани ривожлантириш, қўллаб-қувватлашнинг асосий негизи инсонларнинг ижтимоий фаравонлиги ва уларнинг манфаатлари учун хизмат қилади. Аҳолининг қуйи қатлами булмиш ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш, фуқаролар кексайганда, меҳнатга бўлган лаёқатини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олишга доир конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосий йуналишларидан бири ҳисобланади.